ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ

# “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”

**МАВЗУСИДАГИ**

## РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

## ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ВА МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТЎПЛАМИ

**(2018 йил 18 декабр)**

ТОШКЕНТ-2018

| | | | |
|---|---|---|---|
| 36. | М. Орипов, Н. Урманов | Озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ва халқаро рақобатбардошликни оширишда экин майдонларини жойлаштиришнинг ўрни....................................... | 90 |
| 37. | А. Низамов, Ю. Рахимова | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари.......................................................... | 94 |
| 38. | M. Olimov, S. Matyakubov | Mamlakatimizda oziq-ovqat xavfsizligini ta’min-lashning o’ziga xos jihatlari.................................... | 98 |
| 39. | M. Olimov, I. Abdug’aniyev | Mamlakatamizda oziq-ovqat xavfsizligini ta’min-lashning o’ziga xos xususiyatlari.............................. | 100 |
| 40. | Н. Ўрақов | Озиқ-овқат саноати корхоналарини янада ривожлантириш йўллари | 103 |
| 41. | И. Исломов | Проблемы защиты продовольственного рынка Узбекистана.......................................................... | 105 |
| 42. | М. Юсупов | Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси ва уни аниқлаш кўрсаткичлари....................................................... | 106 |
| 43. | Г. Ҳусанова | Товар бозорларини сифатли маҳсулот билан таъминлашда маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш (Наманган вилояти мисолида)............ | 111 |
| 44. | Н. Эшонкулов, С. Баракаева, М. Очилов | Ўрикни уй шароитида қуритиш ва сақлаш технологиясини иқтисодий самарадорлиги............. | 115 |


**4-шўба. Иқтисодиётнинг реал сектори маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш орқали экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва логистика тизимларини ривожлантириш йўналишлари**


| | | | |
|---|---|---|---|
| 45. | И. Хотамов | Ўзбекистон агросаноат мажмуида логистика тизими инфратузилмасини ривожлантириш......... | 118 |
| 46. | С. Халиков, М. Юсупов | Ўзбекистондан мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш имкониятлари......................... | 122 |
| 47. | М. Исаков | Иқтисодиёт реал сектори рақобатдошлигини оширишда экспорт-импорт операцияларини тартибга солишнинг асосий йўналишлари.............. | 127 |
| 48. | И. Ахмедов, Н. Примова | Миллий компанияларда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошқаришга таъсир қилувчи омиллар таҳлили..................................... | 130 |
| 49. | С. Қосимов, Н. Жалолова, Қ. Номозов | Корхоналарда экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш такомиллаштириш.................................. | 133 |
| 50. | Д. Хужамкулов | Ўзбекистонда балиқчилик кластерларини ривож-лантириш орқали тармоқ маҳсулотлари рақобат-бардошлигини ошириш ва экспортини таъминлаш... | 135 |
| 51. | A. Ibodullayev, N. Qodirov | Real sektori mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish orqali eksport salohiyatini mustahkamlash..… | 137 |
| 52. | О. Казаков, Л. Убайдуллаев | Қишлоқ хўжалигида маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб экспортбоп маҳсулотлар ишлаб | |

Oʻzbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan joriy yilning II choragidan boshlab, Markaziy bankning tahliliy va tadqiqotlar bazasini rivojlantirish, pul-kredit siyosati chora-tadbirlarini ishlab chiqish va amalga oshirishda foydalanish maqsadida iqtisodiyot real sektori korxonalarining joriy iqtisodiy holati va istiqboldagi kutilmalarini oʻrganish yuzasidan davriy (choraklik) soʻrovnoma oʻtkazish yoʻlga qoʻyildi.

Joriy yilning II choragi yakuni boʻyicha oʻtkazilgan soʻrovnoma natijalari umuman olganda mazkur chorak mobaynida respublika iqtisodiyotidagi holatning I chorakka nisbatan yaxshilanganligini koʻrsatmoqda.

*О.С. Казаков – и.ф.н., доц., НМТИ*
*Л. Убайдуллаев – и.ф.н., НМТИ*

**Қишлоқ хўжалигида маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари**

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилда. Айниқса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш асосида импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни барпо этишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йўналишда мамлакатимизда жуда катта имкониятлар мавжуд ва уларни аниқлаш ҳамда амалга жорий қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалигида самарали фаолиятни таъминлаш мақсадида мавжуд хом ашё ресурсларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш йўналишида инновацион тадқиқотларни амалга ошириш бўйича қатор илмий ишлар ва тадқиқотлар амалга оширилган. Шу билан биргаликда, қишлоқ хўжалигининг чорвачилик соҳасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакатимиз худудларида ёввойи тарзда ўсадиган ўсимликлардан чорвачилик соҳасининг ривожи йўналишида фойдаланиш масалаларига кам эътибор қаратилган. Чорвачилик учун ем тайёрлашда мавжуд маҳаллий экинлар ҳисобланган маккажўхори, арпа, буғдой ва бошқа экинлардан гранула шаклидаги маҳсулотлар тайёрлаш масалалари ўрганилган. Бугунги кунда иқтисодиётимизда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишда, стратегик муҳим роль ўйнайдиган инновация лойиҳаларини амалга ошириб, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, хусусан унинг чорвачилик ва балиқчилик соҳаларини юқори ўсиш суръатларига олиб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу масаланинг ечими биринчи навбатда чорва хайвонлари учун юқори калорияли ва сифатли овқатлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, замонавий, мослашувчан ва маҳаллий технологияларни кенг жорий этиб, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга боғлиқдир.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг маърузалари ва асарларида қишлоқ хўжалигида самарадор технологияларни жорий қилиш, интенсив равишда

чорвачиликни ривожлантириш асосида аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш, чорвачилик маҳсулотларини экспорт қилиш хажмини орттиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Иқтисодиётнинг чорвачилик тармоғи мамлакат аҳолисининг зарурий ва юқори калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланган сут, гўшт, ёғ, тухум ва ҳоказолар билан таъминлаш билан биргаликда енгил ва озиқ-овқат саноатини хом ашё билан, яъни жун, тери, мўйна, қоракўл, гўшт, сут, балиқ, тухум, асал билан таъминлайди. Чорвачиликни самарали тарзда ривожлантириш мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигининг чорвачилик тармоғи бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардир:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни узоқ вақт давом этади. Бу циклни қисқартириш чорвачиликда энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2. Чорва хайвонларининг наслини яхшилаш масаласи ҳам муҳим масаалалардан биридир.

3. Чорвачилик учун ем-хашак базасини яратиш ва уни узоқ вақт давомида сақлаш.

4. Чорва хайвонларини сифатли озуқалар билан боқишни амалга ошириш ва бунинг учун сифатли, юқори калорияли озуқаларни ишлаб чиқариш масаласи.

Чорвачиликнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланган юқори калорияли ва сифатли озуқаларни ишлаб чиқариш масаласи бугунги кунда энг долзарб масалалардандир. Чунки, озиқлантириш чорвачиликни ривожлантиришдаги барча омиллар ичида энг муҳими ҳисобланади. Озиқлантириш чорва хайвонларининг сермаҳсуллигига кучли таъсир кўрсатади. Чорва хайвонларининг организми тўқималарининг тузилиши учун зарур бўлган материални, модда алмашинувини тартибга солиб турадиган моддаларни ва энергияни хайвон озиқдан олади. Чорвачиликни ривожлантиришдаги асосий вазифалардан бири – озуқа базасини самарали ва оқилона ташкил этишдир. Яхши ташкил этилган озуқа базаси чорвачиликни муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий шартидир. Чорва хайвонларига зарур бўлган миқдорда ва калорияда озиқ бериб турилмаса энг маҳсулдор насллар ҳам, тармоқда олиб борилаётган модернизациялаш ҳам самара бермайди. Чорва хайвонларини сифатли ва юқори калорияли овқатлар билан озиқлантириш орқали чорвачилик маҳсулотлари кўп ва арзонроқ етиштирилади. Чорвачилик маҳсулотлари қанчалик кўп ва арзон етиштирилса, аҳоли учун энг керакли озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари билан шу қадар яхшироқ таъминланади.

Чорвачилик учун бундай зарур бўлган озуқаларни ишлаб чиқариш масаласи бугунги кундаги долзарб масала бўлиб, уни амалга ошириш учун қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Маҳаллий хом ашёлар асосида юқори калорияли бўлган озуқаларни тайёрлаш.

2. Мавжуд бўлган хом ашёлар асосида ихчам ва сақлаш нисбатан енгил бўлган озуқалар тайёрлашга эътибор қаратиш.

3. Чорвачилик озуқаларини тайёрлаш учун замонавий ва юқори самарадор технологияларни яратиш ва жорий қилиш.

Биз томонимиздан амалга оширилаётган тадқиқотлар бу масалаларни ечишни мақсад қилиб олган. Юқори калорияли гранулаланган озуқа тайёрлашнинг самарали

технологиясини яратиш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлида изланишлар олиб борилмоқда.

*Н.Р.Абдураимова - магистрант, ТГЭУ*

## Расширение экспортного потенциала Республики Узбекистан

В Узбекистане расширение экспортного потенциала является одним из важнейших приоритетов экономического развития. Принятая правительством Программа развития сельского хозяйства на 2016-2020 гг. определила основные направления продолжения структурных преобразований в сельскохозяйственном производстве, внедрения передовых агротехнологий, комплексной механизации сельского хозяйства и углубления переработки сырьевых ресурсов. Она предусматривает поэтапную оптимизацию площадей под хлопчатник за счет вывода низкоурожайных земель с последующим размещением на высвобождаемой площади посевов плодоовощных, картофеля и других культур, а также организацию интенсивных садов, дальнейшее развитие селекции и семеноводства.

Развитие плодоовощной сферы, увеличение производства овощей и фруктов и обеспечение резкого роста экспорта данной продукции, диверсифицированного по географии и ассортименту, являются важными составными частями политики экспортоориентированного развития Узбекистана.

В условиях замедления роста мировой экономики, обострения экологическихпроблем,атакжеограниченностиземельныхиводныхресурсов структурная политика в аграрной сфере республики в дальнейшем должна быть направлена на ускорение процессов модернизации и технологического обновления, внедрения современных методов агрокультуры, углубления переработки сельскохозяйственного сырья, а также коренного улучшения качества жизни сельского населения. Важнейшими направления работы в этом направлении являются следующие.

1. Обеспечение изменений структуры посевных площадей, направленных на увеличение площадей под плодоовощные культуры. При этом представляется необходимым обеспечить специализацию/районирование посевов плодоовощных культур, исходя из климатических, почвенных, демографических особенностей.

2. Представляется целесообразным переход к более рыночным подходам в системе закупки/заготовки плодоовощной продукции, обеспечивающей стимулирование сельхозпроизводителей и снижение монополизма перерабатывающих предприятий.

3. Совершенствование институциональной среды в сфере производства и заготовки плодоовощной продукции с упором на формирование крупных многопрофильных фермерских хозяйств, при одновременном обеспечении условий для развития специализированных малых фермерских хозяйств, в зависимости от специфики каждого региона/территории (обеспеченность землей, поливной водой, климатические условия для произрастания тех или иных видов плодоовощной продукции). Еще одним направлением совершенствования институциональной среды является стимулирование процессов добровольного вхождения фермеров в производственно- сбытовые кооперативы, которые, объединяя ресурсы отдельных производителей, способны обеспечить условия для производства востребованной и качественной продукции, её хранения, переработки и сбыта.